ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ҒУЗОР ТУМАНИ КЕНГАШИ ҚАРОРИ

2020 йил 30 декабрь **78/20-6-сонли** **Ғузор шаҳри**

Ғузор тумани маҳаллий бюджетининг 2021 йилги асосий кўрсаткичларини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексига мувофиқ 2021 йилда Ғузор тумани маҳаллий бюджетининг даромадлари ва харажатларини, шу жумладан туман маҳаллий бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари тақсимловчиларига ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорларини белгилаш ҳамда бюджетлараро муносабатларни тартибга солиш мақсадида Халқ депутатлари Ғузор туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунига (кейинги ўринларда Қонун деб аталади) мувофиқ, 2021 йилги Ғузор тумани (кейинги ўринларда туман деб аталади) маҳаллий бюджетининг даромадлари **105344,8 млн сўм** ва харажатлари **148513,2 млн сўм** миқдорида белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. 2021 йил учун туман бюджети даромадлар прогноз кўрсаткичлари 1-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

3. Туманнинг иқтисодий салоҳияти ва ривожланишига қараб, 2021 йилда юридик ва жисмоний шахслар учун белгиланган ер солиғи базавий ставкаларига қўлланиладиган коэффициентлар миқдорлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда, туман Халқ депутатлари Кенгаши маҳаллий бюджет прогнозларини инобатга олиб, ушбу қўлланиладиган коэффициентларга нисбатан тегишли ҳудуддаги маҳалла фуқаролар йиғинлари ва солиқ тўловчилари бўйича 0,7 дан 3,0 миқдорда камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни белгилаш

ҳуқуқига эга.

4. Туман бюджетидан 2021 йилги ҳудудий бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари тақсимловчиларига ажратиладиган харажатларнинг умумий чекланган миқдорлари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Туман бюджетига умумдавлат солиқларидан ажратмалар меъёрлари 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин. Бунда, ажратма меьёрлари бўйича вилоят маҳаллий бюджети билан туман маҳаллий бюджетининг тақсимотини ўрнатилган тартибда вилоят ғазначилик бошқармаси томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

6. 2021 йил учун туман бюджети даромадлари ва харажатлари прогноз кўрсаткичлари 5-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

7. Туман бюджетига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансферт миқдори 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда, тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини туман маҳаллий бюджети даромадлари прогнози ижросидан қатъий назар камайтиришга йўл қўйилмаслиги Қонунда белгилаб қўйилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

8. 2021 йил учун туманнинг туман бюджети захира жамғармаси ҳажми **1470,4 млн сўм** миқдорида белгилансин.

Туман маҳаллий бюджетининг захира жамғармаси тегишли бюджет умумий харажатларининг 1 фоизидан кам бўлмаган миқдорларда шакллантирилади. Туман бюджетида кўзда тутилмаган, кечиктириб бўлмайдиган харажатларни, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий беқарорлик юзага келган вазиятларда амалга оширилиши зарур бўлган тадбирлар молиялаштирилади.

Туман молия бўлимига ҳар чорак якуни билан бюджет ташкилотларининг харажатлар сметаларининг ижросини таҳлил қилиш асосида бюджетдан ажратилган тўртинчи гуруҳ харажатлари бўйича паст самарали харажатларни мақбуллаштириш ҳисобига тегишли маҳаллий бюджетнинг захира жамғармасини ҳокимликнинг тегишли қарорларига асосан кўпайтиришга рухсат берилсин.

9. 2021 йил учун туман бюджетида йўл қўйиладиган энг кам маблағлар **1171,0 млн сўм** миқдорда 7-иловага мувофиқ белгилансин.

10. Туман ҳокимлиги, Қарорнинг 6-иловасида кўрсатилган прогноз кўрсаткичлари маҳаллий ҳокимликнинг фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда 5 фоиздан ортиқ миқдорга бажарилмаса ва молия йили охиригача ушбу маблағларнинг тушиш эҳтимоли бўлмаса, харажатларни мақбуллаштириш юзасидан таклифлар билан бирга Вилоят ҳокимлигига тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини ошириш юзасидан Халқ депутатлари туман Кенгашининг мурожаатини тайёрласин.

11. Туман ҳокимлиги ташаббуси билан амалга ошириладиган тадбирлар учун талаб этиладиган маблағлар тегишлилиги бўйича ушбу маҳаллий

бюджетларнинг ижроси давомида шаклланган қўшимча манба ҳисобидан амалга оширилиши қатъий белгилаб қўйилсин.

12. Туман ҳокимлиги:

тегишли бюджетни биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат ва дори-дармон ва коммунал хизматлар харажатларининг режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантирсин;

ҳар чорак якуни билан кейинги чорак биринчи ойининг 25-санасига қадар расмий веб-сайтларга ўз тасарруфидаги бюджет ташкилотлари кесимида маблағлар тақсимотини, молиявий ҳисоботларни, капитал қўйилмалар ҳисобидан амалга оширилаётган лойиҳаларнинг ижросини, ўтказилган танлов (тендер) савдолари ва давлат харидлари ҳамда бошқа тегишли маълумотларни жойлаштирсин;

туман маҳаллий бюджетининг қўшимча даромадларини 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорларда жамоатчилик фикри асосида белгиланган тадбирларни молиялаштиришга йўналтиришни, расмий веб-сайтларига уларнинг натижаларини жойлаштирсин.

13. 2021 йилдан бошлаб иссиқлик энергиясини етказиб берувчи корхоналар томонидан кўрсатиладиган иссиқлик таъминоти хизматлари учун тартибга солинадиган нархлар (тарифлар) улар бўйича дастлаб вилоят монополияга қарши курашиш ва нархларни (тарифларни) тартибга солиш органлари хулосаларига кўра, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши қарори билан маъқулланганидан сўнг, вилоят ҳокимлиги томонидан тасдиқланиши маълумот учун қабул қилинсин.

Бунда, иссиқлик таъминоти хизматлари учун тартибга солинадиган нархлар (тарифлар) йил давомида қайта кўриб чиқилиши натижасида иссиқлик энергиясини етказиб берувчи корхоналар томонидан аҳолига пасайтирилган тарифларни қўллаш натижасида вужудга келадиган зарарларни қоплаш учун қўшимча талаб қилинадиган маблағлар вилоят маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан қопланиши маълумот учун қабул қилинсин.

14. Туман ҳокимлиги тегишли равишда ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчиларининг бюджет маблағларидан самарали фойдаланилиши ҳамда эришилган натижалар бўйича ҳисоботларни ҳар чорак якуни билан Халқ депутатлари туман Кенгашига киритилишини таъминласин.

15. Туман ҳокимлиги бюджет даромадлари ва харажатларининг кўрсаткичларини бажарилишини таъминлаш, солиқ базасини кенгайтириш ҳамда иқтисодий салоҳиятини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриш, бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиши устидан қатъий назоратни ўрнатилишини таъминласин ва ҳар чорак якуни билан Халқ депутатлари туман Кенгашига муҳокамасига киритсин.

16. Туман ҳокимлиги Қонунда белгиланган айрим солиқлар ва тўлов ставкалари, солиқ солиш тартиблари ҳамда бошқа маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминласин.

17. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари туман Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси ва туман ҳокимлиги зиммасига юклатилсин.

18. Халқ депутатлари Ғузор туман Кенгашининг 2019 йил 18 декабрдаги IV/60-265-сонли қарори 2021 йил 1 январь кунидан ўз кучини йўқотган деб топилсин.

19. Мазкур қарор расман эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

Сессия раиси **К.Исмоилов**



Халқ депутатлари
Ғузор туман Кенгашининг
2020 йил 30 декабрдаги
78/20-6-сонли қарорига
1-илова

2021 ЙИЛ УЧУН ҒУЗОР ТУМАНИ БЎЙИЧА МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТ ДАРОМАДЛАРИНИНГ РЕЖА КЎРСАТКИЧЛАРИ

минг. сўмда

Даромад турлари		Жами
1	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	31 938 057
2	Ягона солиқ тўлови	5 365 290
3	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	5 294 788
4	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	6 779 210
5	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи (Якка тартибдаги тадбиркорлардан олинадиган даромад солиғи)	1 347 999
6	Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ (норуда материаллари)	423 106
7	Ижара тўлови	75 000
8	Акциз солиғи, жами	
9	*шу жумладан:*	
10	*- бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализациясидан солиқ*	25 858 514
11	Юридик шахслар ер солиғи	11 219 614
12	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	5 142 659
13	Йиғимлар	11 900 632
ЖАМИ		**105 344 869**
ЖАМИ ДАРОМАД		**105 344 869**

Халқ депутатлари
Ғузор туман Кенгашининг
2020 йил 30 декабрдаги
78/20-6-сонли қарорига
2-илова

Ғузор тумани бўйича юридик ва жисмоний шахслар учун белгиланган ер солиғи базавий ставкаларига қўлланиладиган коэффициентлар

Шаҳарлар ва туманлар номи	Юридик шахслар учун ер солиғи ставкаси		Жисмоний шахслар учун ер солиғи ставкаси	
	Коэффицент миқдори	Солиқ суммаси (1 гектар учун, сўмда)	Коэффицент миқдори	Солиқ суммаси (1 кв.м учун, сўмда)
Ғузор тумани	0,85	22 695 000,0	0,72	176,4

Халқ депутатлари
Ғузор туман Кенгашининг
2020 йил 30 декабрдаги
78/20-6-сонли қарорига
3-илова

2020 йил учун Ғузор тумани бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратилган харажатларнинг чекланган миқдорлари

№	Кўрсаткичлар	Ғузор тумани
Харажатлар миқдори, Жами		**148 513 195,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**148 513 195,0**
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	**0,0**
	Туман ва шахар маҳаллий бюджетларига трансфертлар	
1.	**Халқ таълими бошқармаси**	**6 432 313,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	6 432 313,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
2.	**Мактабгача таълим бошқармаси**	**8 520 071,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	8 520 071,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
3	**Соғлиқни сақлаш бошқармаси**	**59 249 650,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	59 249 650,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
4	**Маданият бошқармаси**	**2 349 101,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	2 349 101,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
5	**Жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси**	**1 415 973,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 415 973,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
6	**Қишлоқ хўжалиги бошқармаси**	**466 716,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	466 716,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0

7	**Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси**	**1 494 705,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 494 705,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
8	**Ветеринария бошқармаси**	**876 269,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	876 269,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
9	**Меҳнат бош бошқармаси**	**595 705,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	595 705,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
10	**Молия бош бошқармаси**	**1 153 013,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 153 013,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
11	**Ободонлаштириш бошқармаси**	**6 688 512,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	6 688 512,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
12	**Давлат ҳокимият органлари**	**57 758 064,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	57 758 064,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
13	**Ижтимоий мослашув марказлари**	**55 989,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	55 989,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
14	**Бошқа ташкилотлар**	**1 457 114,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 457 114,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0

Халқ депутатлари
Ғузор туман Кенгашининг
2020 йил 30 декабрдаги
78/20-6-сонли қарорига
4-илова

Умумдавлат солиқларидан туман маҳаллий бюджетига 2021 йилдаги ажратмалари меъёрлари

фоиз ҳисобида

Т/р	Шахар ва туманлар номи	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	Ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган қатъий белгиланган даромад солиғи	Акциз солиғи: - бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализациясидан солиқ	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	Юридик шахслар ер солиғи	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи
1	Ғузор тумани	0	100	50	100	100		100	100	100

Халқ депутатлари
Ғузор туман Кенгашининг
2020 йил 30 декабрдаги
78/20-6-сонли қарорига
5-илова

2021 йил учун туман бюджети даромади ва харажати прогноз кўрсаткичи

минг. сўмда

№	Ҳудудлар номи	**Даромад**	**Харажат**
	Жами	**105 344 869**	**148 513 195**
1	Ғузор тумани	105 344 869	148 513 195

Халқ депутатлари
Ғузор туман Кенгашининг
2020 йил 30 декабрдаги
78/20-6-сонли қарорига
6-илова

Туман бюджетига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансферт миқдори

минг. сўмда

№	Ҳудуд номи	Тартибга солувчи трансферт миқдори
	Жами	**43 168 326,0**
1	Ғузор тумани	43 168 326,0

Халқ депутатлари
Ғузор туман Кенгашининг
2020 йил 30 декабрдаги
78/20-6-сонли қарорига
7-илова

2021 йил учун туман бюджетида йўл қўйиладиган энг кам маблағ миқдори

минг. сўмда

№	Ҳудудлар номи	Миқдор
	ЖАМИ	**1 171 369,0**
1	Ғузор тумани	1 171 369,0